

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАҚ раиси  
Отабобоев У.  
*Унбобоев*  
“25 / 06” 2019 йил

“Автомобиль йўллари”  
кафедра мудири  
*Ш.Эрбоев*  
“26 / 06” 2019 йил

**ТУШУНТИРИШ ҚИСМИ**

Мавзу: M-34 “Тошкент - Душанбе” автомобиль йўлининг 992-1005 км  
бўлагини тўла таъмирлаш технологик жараёнларини ишлаб чикиш ва  
уни ташкил этиши

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИННИНГ ТАРКИБИ**

Тушунтириши қисми \_\_\_\_\_ *✓ 59* бет  
График қисми \_\_\_\_\_ *✓ 4* варақ

Талаба: 146-15 ТИЭ гурухи талабаси Аликулов Адхам  
Битирув малакавий иши рахбари: Султонов Ш.

**ҚИСМЛAR БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР:**

1. Асосий қисм бўйича *Султонов Ш.*
2. Технологик қисм бўйича *Султонов Ш.*
3. Иқтисодий қисм бўйича *Кучимов А.*
4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қисми бўйича *Тиркашева М.*
5. Экология ва атроф мухит муҳофазаси қисми бўйича *Тиркашева М.*

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

1. *Тоғлӯқалов О.*
2. *Сайдахмадова Н.*

ЖИЗЗАХ-2019 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИЙ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

АВТОТРАНСПОРТ ФАКУЛЬТЕТИ  
“АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ” КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
“Автомобил йўллари” кафедра  
мудири Ш.Эрбоев 2019 йил  
“18” Іюн 2019 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА

**ТОПШИРИК**

Талаба: 146-15 ТИЭ гурухи талабаси Алиқулов Адҳам

1. Битирав малакавий ишининг мавзуси:

M-34 “Тошкент - Душанбе” автомобиль йўлининг 992-1005 км бўлагини  
тўла таъмирлаш технологик жараёнларини ишлаб чиқиши ва уни  
ташкил этиши

Битирав малакавий иши мавзуси институт ректорининг “31” декабрь  
2018 йилдаги 506-Т сонли бўйруги билан тасдиқланган.

2. Битирав малакавий ишини топшириш муддати. “15” июнь 2019 йил.

3. Битирав малакавий ишини бажаришга доир маълумотлар:

амалдаги лойихалаш ва курилиш ишларини бажариш учун меъёрий  
хужжатлар, ўкув қўлланмалари ва битирав олди амалиётида тўпланганд  
маълумотлар.

4. Битирав малакавий иши тушунтириш қисмининг таркиби:

- Кириш
- Асосий қисми
- Технологик қисми
- Иктисодий қисми
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қисми
- Экология ва атроф муҳит муҳофазаси қисми

**5. Бити्रув малакавий ишининг график кисми таркиби:**

- Йўлнинг бош режаси М 1:100; 1:200;
- Йўлнинг кўндаланг кесими М 1:100; 1:50;
- Йўлнинг бўйлама кесими 1:5000 ва 1:500 текислик жойларда ва 1:2000 ва 1:200 тоғлик жойларда;
- Йўл тўшамасининг кўндаланг кесимлари М1:100; 1:200;

**6. Битириув малакавий иши бўйича маслаҳатчилар:**

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчининг Ф.И.Ш.	Топширик берилганлиги хакида белги (имзо, сана)	Топширикни бажарилганилиги хакида белги (имзо, сана)
1.	Кириш	Султонов Ш.	12.01.2019	
2.	Асосий кисми	Султонов Ш.	01.02.2019	
3.	Технологик кисми	Султонов Ш.	01.03.2019	
4.	Иқтисодий кисми	Кўчимов А.	01.03.2019	
5.	Хаёт фаолияти хавфсизлиги кисми	Тиркашева М.	01.04.2019	
6.	Экология ва атроф мухит муҳофазаси кисми	Тиркашева М.	01.05.2019	

**7. Битириув малакавий ишининг бажарилниш режаси:**

№	Битириув малакавий иши боекичларининг номи	Бажарилниш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси (имзо)
1.	Асосий кисми	12.01.2019-01.03.2019	
2.	Технологик кисми	01.02.2019-10.05.2019	
3.	Иқтисодий кисми	01.03.2019-15.05.2019	
4.	Хаёт фаолияти хавфсизлиги кисми	01.04.2019-10.06.2019	
5.	Экология ва атроф мухит муҳофазаси кисми	01.05.2019-10.06.2019	

Битириув малакавий иши раҳбари: Султонов Ш  
(фамилия, исми шарифи)

(имзо)

Топширикни бажаришга олдим: Аликулов Адҳам  
(тегабаннага фамилияси, исми шарифи)

(имзо)

Топширик берилган сана:

“12” январь 2019 йил

## АННОТАЦИЯ

“М-34 “Тошкент - Душанбе” автомобиль йўлиниң 992-1005 км бўлagini тўла таъмираш технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва уни ташкил этиш ” битирув малакавий иши кафедра томонидан ишлаб чиқилган услубий кўрсатмага асосан ёзилган бўлиб, институтда олган назарий билимларни маъсулидир. Битирув малакавий ишида йўл ўтган худуднинг табиий иқлим шароити, йўлнинг техник иқтисодий кўрсаткичлари, йўлларни ташхис қилиш ва баҳолаш, йўл тармокларини ривожлантириш ва тақомиллаштиришни бошкариш, транспорт-фойдаланиш кўрсатгичларни ошириш, автомобил йўл тармокларидаги ҳар бир йўлнинг ишончли ишлаши тизимидағи асосий звено бўлиб, йўл тармокларини ривожлантиришга йўналтирилган маблағ ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, автомобил йўлларни ташхис қилиш ва баҳолаш, уларнинг транспорт-фойдаланиш кўрсаткичларни ва сақлаш даражасини, транспорт-фойдаланиш кўрсаткичларни йўллардан фойдаланиш хусусиятларига қўйиладиган талабларга мос келиши ва мос келмаслик сабаблари ёритиб берилган.

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ .....</b>	<b>2</b>
<b>I. ТАШКИЛИЙ ҚИСМ</b>	
1.1 Йўл ўтган ҳудуднинг табий иқлим шароити .....	6
1.2 Йўлнинг асосий техник қўрсаткичлари .....	8
1.3 Йўлнинг келажакдаги ҳаракат жадаллигини башоратлаш .....	9
4.1 Автомобил йўлларини тўла таъмирлашда бажариладиган технологик жараёнлари .....	11
1.5 Автомобиль йўлларида ишлатилаётган материалларга бўлган талаблар	13
<b>II.ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ</b>	
2.1 Курилиш муддатини асослаш ва иш кўламини аниқлаш .....	21
2.2 М-34 " Тошкент-Душанбе" автомобил йўлининг 992-1005 км бўлагини нуқсонлар қайдномаси .....	27
2.3 Автомобиль йўлини таъмирлаш ишлари технологик жараёнларини ҳисоби .....	31
2.4 Автомобиль йўлини ўрта таъмирлаш ишлари чизиқли-тақвим графигини қуриш .....	49
<b>III. ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ</b>	
3.1 Автомобил йўлини тўла таъмирлашда техник-иқтисодий қўрсаткичлар	51
<b>IV. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ</b>	
4.1 Автомобил йўлини тўла таъмирлашда ҳаёт фаолият хавфсизлиги .....	52
<b>V. ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУҲИТ МУХОФАЗАСИ ҚИСМИ</b>	
5.1 Автомобил йўлини тўла таъмирлашда экология ва атроф муҳит муҳофазаси .....	55
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>57</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>58</b>
<b>ИЛОВАЛАР</b>	

## **КИРИШ**

Жаҳондаги халқаро транспорт коммуникациялари ва халқаро йўлаклар масаласи тилга олинганда, Ўзбекистондаги мазкур коммуникацияларнинг бевосита узвий қисми бўлган - автомобиль йўллари ҳам тилга олинади. Бу борада кейинги пайтларда амалга оширилаётган ишлар хусусида қўйидаги ракамларга эътибор қилсак, бунга амин бўламиз:

Сўнгги икки йил ичида жаҳон миқёсида автотранспорт воситасида юкларни ташиш ҳажми 50,8 фоиздан - 70,6 фоизга ошган. Шундан келиб чиқсан ҳолда, транспорт-транзит автомобиль йўлларидан самарали фойдаланиш - ҳар қандай давлат учун улкан даромад манбаидир.

2017 йилнинг охирида муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон - Марказий Осиёдаги транспорт коммуникацияларини ривожлантиришнинг ягона дастурини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқди. Қўшниларимиз билан самимий алоқалар тиклангани эса қўп соҳалар қатори улар билан ҳамкорликда янги автомобиль йўллари қуриш, у орқали хориж давлатларига йўл очиш, айни пайтдаги автомобиль йўлларини эса биргаликда таъмиirlаб, фойдаланиш каби ғоят самарали ишлар қилинмоқда.[1]

Буларнинг натижасида юкларни автомобиль йўллари орқали ташиш ҳажми - ўтган йил якунларига кўра 1,04 миллиард тоннани ташкил этиб, бу – олдинги йилга қараганда 3,7 фоизга кўп. Транзит юкларни ташиш ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида 2019 йилни «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб ном бериб, *Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илгор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади, - деб таъкидлаб ўтдилар.*[5]

Бугунги кунда Ўзбекистонда 10 та халқаро транспорт йўлаклари ҳамда ушбу йўналишлардаги автомобиль йўлларини таъмирлаш, қайта қуриш ва фойдаланиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиз бу борадаги 11 халқаро конвенция аъзоси ҳисобланади, 29 давлат билан соҳага тегишли шартномаларга имзо чеккан.

Республика бўйича жами 184 минг км автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан 116 минг 560 км ички хўжаликлараро, қишлоқ, шаҳар ва овулларнинг автомобиль йўллари ҳамда 42 минг 695 км умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларидан иборат.

Бу борада қилинган ва қилинаётган ишларни рақамлардаги аксига мурожаат қилиб кўрсак, 2018 йилнинг 1-ярмида қилинган ишларни 2017 йилги шу даврга таққосланган солиштирма маълумотларни келтирсак:

а) Қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича:

2017 йилда – 40 км қурилиб, реконструкция қилинган, 21,5 км капитал таъмирланган, жами – 61,5 км

2018 йилда – 137,7 км қурилиб, реконструкция қилинган, 20,5 км капитал таъмирланган, жами 158,2 км

Кўрсаткич ўтган 2017 йилга нисбатан 257 фоизга ўсган

б) Жорий таъмирлаш ва сақлаш бўйича:

2017 йилда – 1120 км

2018 йилда – 1275 км

Кўрсаткич ўтган 2017 йилга нисбатан 113,8 фоизга ўсган

в) Ички хўжалик йўллари ва шаҳар кўчалари бўйича:

2017 йилда – 2760 км йўллар таъмирланган

2018 йилда – аввалги дастурлар бўйича – 1682 км, "Обод қишлоқ" дастури бўйича – 1351 км, "Обод маҳалла" дастури бўйича – 26 км, жами – 3059 км

Кўрсаткич ўтган 2017 йилга нисбатан 110,8 фоизга ўсган

Бу рақамлар ортида - минглаб йўлсозларимизнинг улкан меҳнатлари ётибди.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш орқали йўл ишлари учун ажратилаётган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланишга эришилди ҳамда таъмирланадиган йўл қисмларининг қўпайиши билан бирга, уларнинг узоқ муддат хизмат қилиниши таъминлаш йўлида харакатлар олиб борилмоқда.

Мамлакат тараққиёти, аҳолининг барча қатламлари ҳаёт сифати йўл хўжалиги соҳасининг самарали фаолият кўрсатишига боғлик. Бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли саъй-харакатлар, рўёбга чиқарилаётган кўплаб лойиҳалар натижасида замонавий обьектлар қад ростламоқда, йўл-транспорт инфратузилмаси ривожланмоқда.

Шу маънода иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим ўрин тутадиган автомобиль йўлларининг ҳолати бевосита соҳанинг хуқуқий асосларига боғлиқдир. Айтиш жоизки, “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қабул қилиниши, Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу йўналишдаги қарорлари соҳанинг ривожланишига пухта замин яратди.[7]

Таъкидлаш жоиз, республикамиз халқ хўжалиги юкларининг 80 фоизи, йўловчи ташиш хизматининг 85 фоизи автомобиль транспорти соҳасига тўғри келади. Шу жихатдан олиб қараганда замонавий магистраль йўлларининг шаклланиши бугунги қуннинг долзарб вазифасига айланмоқда.

Ривожланишнинг бугунги босқичи соҳага оид қонунни такомиллаштиришни тақазо қилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзолари томонидан “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қонун лойиҳаси тайёрланди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Автомобиль йўлларини кўкаламлаштириш тизимини ва архитектура-ландшафт конструкциялашни такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги

Қарорида белгиланган ҳуқуқий нормалар билан “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонунни мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилди ва 2017 йилнинг март ойида қуи палата мажлисида депутатлар томонидан биринчи ўқишида концептуал жиҳатдан қўллаб қувватланган эди.[3]

Таъкидлаш жоиз, қонун лойиҳасининг мақсади Ўзбекистонда йўл хўжалигини бошқариш тизимининг ваколатларини аниқ белгилаш, автомобиль йўлларини куриш, лойиҳалаш соҳасидаги норма ва стандартларига риоя этишни таъминлаш, йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш ҳамда автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартибларини белгилашдан иборатdir. Мазкур қонун қабул қилиши билан иқтисодиёт ривожига, шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларининг янада равон ва обод бўлишига, халқимизнинг хаёт даражаси ва сифатининг юксалишига, янада кулай шароит яратилишига хизмат қиласи.

Мен Битирув малакавий ишимни Сирдарё вилоятидаги Халқаро аҳамиятга эга бўлган “M-34 “Тошкент - Душанбе” автомобиль йўлининг 992-1005 км бўлагини тўла таъмирлаш технологик жараёнларини ишлаб чиқиши уни ташкил этиш” мавзусини бажардим.

## I. ТАШКИЛИЙ ҚИСМ

### 1.1 Йўл ўтган худуднинг табиий иқлим шароити

Сирдарё вилояти – Ўзбекистон Республикаси таркибидаги вилоят. 1963 йил 16 февралда ташкил этилган. Шимимолдан Қозоғистон Республикаси, шарқдан Тошкент вилояти, жанубдан Тожикистон Республикаси ва ғарбдан Жиззах вилояти биланн чегарадош. Майдони 5,3 минг км. Аҳолиси 815700 киши (2018). Таркибида 9 туман (Боёвут, Гулистон, Мехнатобод, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сирдарё, Ховос, Шароф Рашидов) (туманлар ҳақида алоҳида мақолаларга қаранг, масалан Боёвут туман), 5 шаҳар (Гулистон, Баҳт, Сирдарё, Ширин, Янгиер), 6 шаҳарча (Боёвут, Дехқонобод, Дўстлик, Пахтаобод, Сайхун, Ховос) ва 75 қишлоқ фуқаролари йигини бор (2018). Маркази - Гулистон шаҳри.[38]

Табиати. Рельефи, асосан, тўлқинсимон текислик бўлиб, жанубдан шимолий-ғарбга пасайиб боради. Мирзачўл даштининг бир қисми вилоят ҳудудига киради. Баланд шимолда 230 м, марказий қисмида 400-450 м, жануб ва жанубий ғарбда 600-650 м. Шарқида кенг Сирдарё водийси жойлашган. Мезозой ва кайнозой даврида, асосан, чўкинди жинсларнинг қалин қатлами билан қопланган. Шўрӯзак, Мирзаработ, Сардоба каби ботиқлар мавжуд. Текислик қисми дарёлар оқизиб келтирган ётқизиклардан ҳосил бўлган, баъзи жойларини қўл, ботқоқ ва шўрхок ерлар эгаллаган. Сирдарё вилоятида янги каналлар, зовурлар қазилиб, чўл ўзлаштирилди ва экин майдонларга айлантирилди. Текислик қисмида ирригация иншоотлари курилиб, пахтазор, боғ ва токзорлар барпо қилинди. Адирлар лалмикор ерлар ва яйловлардан иборат.

Об-ҳавоси кескин ўзгарувчан ва қуруқ. Йиллик ўртacha температураси  $14^{\circ}$ . Январнинг ўртacha температураси шимолда  $-6^{\circ}$ , жанубда  $-2^{\circ}$ . Қишда ҳаво тез совийди ва температура  $-30^{\circ}$  гача (Гулистонда  $-35^{\circ}$ ) пасаяди. Баъзан, қиши ўрталарида ҳаво бирданига исиб, кейин совиб кетади. Кеч кўкламда ва эрта кузда ҳам қора совук тушиб ўсимликнинг ўсиш даврини қисқартиради. Ёзи

куруқ ва иссиқ. Июлнинг ўртача температураси 27-29°. Ёзда температура 32-45° гача кўтарилади. Кўпинча иссиқ шамол (гармсел) тупроқни қуритади ва ўсимликлар ривожланишига ёмон таъсир қилади. Вегетация даври 218 кун. Йиллик ёғин 180-220 мм, асосан, қишида ёғади. Ёзда кучли буғланиш сабабли ер ости сувлари юза майдонларнинг (Шароф Рашидов, Оқолтин, Гулистон туманлари) тупроғини шўр босади. Ноябрдан мартгacha тезтез эсиб турадиган «Бекобод шамоли» тезлиги 20-25 м/сек. (Боёвут туманида 40 м/сек.)га етади. Баҳорда эсадиган бу хилдаги шамол униб чиқаётган ғўзаларни баъзан нобуд қилади. Кейинги йилларда ихота дараҳтзорлари барпо қилинди.

Тупроқлари, асосан, оч тусли кучсиз жойлашган бўз тупроқ бўлиб, кам ва ўртача шўрланган, механик тартибиغا кўра, қумоқ ва соз тупроқлардир. Текисликларда шўрхок ва шўрхоксимон тупроқ учрайди. Ер ости сувининг чуқурлиги 5-6 м. Шўрӯзак массивида, ҳали ўзлаштирилмаган пастқам жойларда шўрхоклар кенг тарқалган. Суғориладиган ерларнинг 32% шўрланган, 25% кучсиз шўрланган, 16% шўрхоклардан иборат. Ўсимликлардан лолақизғалдоқ, бойчечак, чучмома, қоқи ялпиз, исмалоқ, янтоқ, шўра, шувоқ, қўнғирбош, қўзиқулоқ, туютовон, қуёнсуяқ, жузғун, қовул, оққурай, қилтиқ, каррак, ранг, илоқ, бетага, қиёқ, қамиш, юлғун, оқбош, қушқўнмас, наъматак, мингбоши, читир, ғумай, печак, саксовул, ҳар хил буталар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан: жайра, тулки, бўри, чиябўри, қобон, жайран, нутрия, ондатра, кўрсичқон, сувкаламуш, типратикан, юмронқозик, калтакесак, илон, тошбақа, фаланга, чаён, қорақурт; қушлардан хўжасавдогар, мойқут, булдуруқ ва бошқалар бор.

## **1.2 Йўлнинг асосий техник кўрсаткичлари**

М-34 "Тошкент - Душанбе" автомобил йўлининг 992-1005 км қисмини тўла таъмирлашни умумий узунлиги 13 км ни ташкил этади. Трассанинг боши деб М-34 "Тошкент - Душанбе" автомобил йўлининг 992 чи километри, трасса охири деб 1005 чи км белгилаб олинади.

Йўл тоифасиниг асосий параметрлари ШНҚ 2.05.02-07 га асосан аниқланади.[18]

**1.1-жадвал**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қиймати
1	Йўл тоифаси		I <sup>6</sup>
2	Ҳаракат тасмасининг сони	м	4
3	Ҳаракат тасмасининг кенглиги		3,75
4	Қатнов қисмининг кенглиги	м	2*7,5
5	Йўл ёқасининг кенлиги	м	3,75
6	Йўл ёқасининг четки тасма кенглиги	м	0,75
7	Йўл ёқасиниг мустаҳкамланган қисми кенглиги	м	3
8	Йўл пойининг кенглиги	м	25,1
9	Ҳисобий тезлик	км/соат	120

### **1.3 Йўлнинг келажакдаги кутиладиган ҳаракат жадаллилигини хисоблаш**

Келажакдаги суткалик ҳаракат жадаллиги иқтисодий қидиувлар асосида аниқланади.

M-34 "Тошкент - Душанбе" автомобил йўлнинг 992-1005 км бўлагида мавжуд ва келажакдаги ҳаракат жадаллиги ва таркиби қўйдагича.

2018 йилнинг биринчи чорагида Сирдарё вилоятидаги I-тоифали M-34 "Тошкент - Душанбе" автомобил йўлнинг 992-1005 км бўлагида ҳаракат жадаллиги  $N_0=9875$  дона/сут ни ташкил этади. Шунга асосан келажакдаги ўртacha йиллик, ўртacha суткалик ҳаракат жадаллиги қўйидаги эмпирик формула ёрдамида аниқланади.[15]

$$N_{kel} = N_{jor} (1 + \alpha)^t$$

Бу ерда:  $N_{jor}$  - жорий йилдаги ўртча суткалик ҳаракат жадаллиги,

$\alpha$  -йиллик ўсиш коэффициенти ,

$t$  -йўлдан фойдаланиш йили коэффициенти,

Мавжуд автомобил йўлида ҳаракат жадаллиги 9875 дона/суткани ташкил этиб, уни 10 ва 20 йилдан кейинги кутилаётган ҳаракат жадаллигини башорат қилишимиз лозим бўлади. Лойиҳаланиётган автомобил йўли Жиззах вилоятидан ўтган бўлиб ундаги йиллик ўсиш коэффициенти 3 % деб қабул қиласиз.

У ҳолда  $(1 + \alpha)^t$  нинг микдори 10 йилдан кейин 1,34 ни, 20 йилдан кейин эса 1,80 ни ташкил қиласи.

Кутилаётган келажакдаг суткалик ҳаракат жадаллигининг қиймати қўйидагича бўлади :

10 йилдан сўнг:

$$N_{kel} = 9875 * (1 + 0,03)^{10} = 9875 * 1,34 = 13233 \text{ дона/сутка}$$

20 йилдан сўнг:


$$N_{kel} = 9875 * (1 + 0,03)^{20} = 9875 * 1,80 = 17775 \text{ дона/сутка}$$

Харакат таркиби бўйича йиллик ўсиш микдори қуидагида бўлади

## 1.2-жадвал

№	Автомобил маркаси	Фоизи %	Суткалик ўтишлар сони, дона/сут		
			2018 йил	2028 йил	2038 йил
1	Енгил автомобил	59	5826	7801	10487
2	3,5 т гача юк автомобиллари	16	1580	2116	2844
3	3,5-12 т гача юк автомобиллари	11	1086	1455	1955
4	12 т дан юқори юк автомобиллари	9	889	1190	1600
5	Автопоездлар	2,5	247	331	444
6	Автобус	2	198	264	356
7	Кишлоқ хўжалиги техникалари	0,5	49	66	89
ЖАМИ		100	9875	13223	17775

## **Ҳаракат жадаллиги таркиби**



## **1.4 Автомобил йўлларини тўла таъмирлашда бажариладиган технологик жараёнлари**

М-34 "Тошкент-Душанбе" автомобил йўлининг қопламаси асфальтбетон турдаги қоплама ҳисобланади. Йўлнинг мавжуд қопламаси асфальтбетон бўлганлиги сабабли бундай қопламаларни капитал таъмирлаш технологиясини келтириб ўтамиз. Қопламаларни узок вақт эксплуатация қилиш жараёнида қўплаб емирилишлар ҳосил бўлиб, уларни жорий таъмир усуллари билан бартараф этиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмай ҳолади. Шунда капитал таъмир қилинади ва зарур бўлса, қоплама мустаҳкамлиги дастлабки лойиҳадагига қараганда кучлироқ қилинади. Мавжуд қопламаларнинг иш қобилиятини тиклаш зарурати, усуллари, кучайтиришга бўлган эҳтиёж йўл тоифасининг, меъёрий юклама тоифаси, қопламанинг ҳолати, сув ўтказиш дренаж тизими, табиий ва сунъий асос ҳолатлари, қоплама материали, гидрогоеологик шароитлар ва бошқа омилларга қараб танланади. Бикр емирилиш даражаси кам эътиборга олинади. Қопламаларнинг ишлаш қобилиятини тиклашда таъмирлаш технологияси жорий таъмирдагига ўхшаш, фақат ҳажми ва ташкили катта бўлади. Автомобил йўлининг ҳолатини ва ўтказа олиш қобилиятини яхшилаш, ҳамда ҳаракат хавфсизлигини ошириш мақсадида таъмирлаш ишлари зарур. Таъмирлаш ишлари зараурлиги қуйидаги сабабалар билан изоҳланади:

- мавжуд йўл қопламасининг сезиларли даражада емирилиши ва чўкиши,
- мавжуд қопламада қўплаб дарз тўрлари, чуқурлар, қатнов қисми четларининг бузилиш ҳоллари мавжудлиги,
- йўл ёқаси чўканлиги, қатнов қисми четининг очилиб қолишлиги.

Юқорида келтирилган камчиликларни бартараф қилиш учун йўлни таъмирлашдан асосий мақсад қуйдагилар бўлади:

- автомобиллар ҳаракати шароитини яхшилаш ва қатнов қисмининг равонлигини ошириш,
- текисловчи қатлами қуриш,
- йирик донали иссиқ асфальтобетон қоришмасидан қопламанинг пастки қатламини қуриш,
- майда донали иссиқ асфальтобетон қоришмасидан қопламанинг юкори қатламини қуриш,
- йўл ёқасини маҳсус транспорт воситалари ёрдамида текислаш ва қум-шағал аралашмаси билан мустаҳкамлаш.

M-34 "Тошкент-Душанбе" автомобил йўлининг мавжуд қопламасини капитал таъмирлаш жараёни тўғирловчи қатlamни ва 2 қатламли асфальтобетон қатламини қуриш орқали амалга оширилади. Яъни қопламани капитал таъмирлаш технологияси асфальтобетон қопламаларни қуриш технологияси билан бир хилдир.[19]

## **1.5 Автомобиль йўлларида ишлатилаётган материалларга бўлган талаблар**

### **ҚШАларга бўлган талаблар**

ГОСТ 25607-2009 “Автомобиль йўллари ва аэродромлар қопламалари ва асослари учун шағал-гравий-қум қоришимлари” техник талаблари бўйича қопламаларни автомобиль йўллари асосларининг қўшимча қатlam ва асосларини, аэродром ва автомобил йўл четларини мустаҳкамлаш, шунингдек поналаш усули асосида қоплама ва асосларни қуриш учун ишлатиладиган шағалга нисбатан қўлланилади.

Шағал донадорлиги, мустаҳкамлиги, совукқа чидамлилиги, эгилувчанлиги, игна шаклидаги доналар мавжудлиги, чангсимон ва лойсимон парчаларнинг, лойкесаклар ва гравийдан таркиб топган чақиртошлар донаси мавжудлиги емирилишга қарши шағал таркибининг мустаҳкамлиги ГОСТ 8267 талабларига мос келиши керак. Чўкинди тоғ жинсларидан ташкил топган шағалнинг майдаланиш маркаси 300 дан паст бўлмаслиги керак.

Эгилувчанлик бўйича шағал маркаси 1.3-жадвалда кўрсатилган талабларга мос тушиши керак.

#### **1.3-жадвал**

Эгилучанлик маркаси	Эгилучанлик миқдори
Пл1	1 гача
Пл2	1 дан 5 гача
Пл3	5 дан 7 гача

Сувга чидамлилиги жиҳатидан шағалнинг маркаси 1.4-жадвалда кўрсатилган талабларга мос тушиши керак.

#### **1.4-жадвал**

Сувга чидамлилик маркаси	Синовларда оғирлик % ларнинг камайиши
B1	1 гача
B2	1 дан 3 гача

Қоришишмаларнинг донадорлик таркиби 1.5-жадвалда кўрсатилган талабларга мувофиқ келиши керак.

Чанг ва лой бўлаклар таркиби 0,05 мм дан кам ўлчовли тайёр қоришишмаларда 12-жадвалда кўрсатилган талабларга мос келиши керак. Шу билан бирга кесақдаги лой таркиби тайёр қоришишмаларда чанг ва лой зарраларнинг умумий миқдорига кўра оғирлигига кўра % ҳисобидан

- асослар учун – 20,
- қопламалар учун – 10 дан ошмаслиги керак.

Асосларнинг совуққа чидамли қатламлари учун қўпчимаган ва оз миқдорда қўпчиған қоришишмалар ишлатилади. Кўпчиғанлик даражаси қоришишмаларнинг 0,04 дан кўп бўлмаган нисбий шакли ўзгариши билан харakterланади.

## 1.5-жадвал

Коришма номи	Доналарн ингэнг	Мм ўлчовли элакларда тўла қолдиқ									
		120	80	40	20	10	5	2,5	0,63	0,16	0,05
Қопламалар учун қоришмалар											
C1	40	-	0-5	0-20	20-40	35-60	45-70	55-80	70-90	75-92	80-93
C2	20	-	-	0-5	0-20	10-35	25-50	35-65	55-80	65-90	75-92
Асослар учун қоришмалар (узлуксиз гранулометрия)											
C3	120	0-10	15-30	20-50	40-65	50-75	65-85	75-90	80-95	95-100	95-100
C4	80	0-2	0-15	20-60	40-80	55-85	65-85	75-90	85-95	95-100	95-100
C5	80	0-2	0-15	10-35	20-50	30-65	40-75	50-85	70-90	90-95	95-100
C6	40	-	0-5	0-20	40-60	60-80	70-85	75-85	85-95	93-97	95-100
C7	20	-	-	0-5	0-20	20-40	40-60	55-70	75-85	90-95	95-100
C8	20	-	-	0-5	0-20	40-70	60-85	70-95	85-97	90-97	92-100
Асослар учун қоришмалар (яримузлуксиз гранулометрия)											
C9	80	0-2	0-20	15-40	28-64	40-79	48-85	55-88	69-92	87-97	95-100
C10	40	-	0-5	0-20	17-40	30-64	42-80	49-86	65-91	85-95	95-100
C11	20	-	-	0-5	0-20	18-40	32-64	42-80	60-90	83-95	95-100
Поналаш учун қоришмалар											
C12	10	-	-	-	0-5	0-20	30-70	50-85	75-95	89-93	90-100
C13	5	-	-	-	-	0-5	0-20	20-70	55-95	75-98	80-100

Автомобил йўлларида ишлатилаётган кумларга бўлган талаблар

Кум - қаттиқ минералларнинг, асосан кварцнинг сочиувчан майда доналаридан ташкил топади. Асфальтбетон қоришимаси таркибининг кўпроқ қисмини қум ташкил этиб, улар чақиқ тош оралиғидаги бўшлиқни тўлдирувчи вазифасии ўтайди ёки қумли асфальтбетонларнинг скелет қисмни ташкил этади. Бунииг ҳисобига зичлантириш жараёнида асфальтбетон тузилишининг мукаммал шаклланишига имконият яратилади ва Ўз РСТ 8736 техник талабларга жавоб берадиган қумларни ишлатиш мумкин.

Кумлар йириклиги бўйича донадорлигига боғлиқ ҳолда қуйидаги грухларга бўлинади:

I синф – жуда йирик (майдалангандан чиқсан қум, отсев), йириклиги оширилган, йирик, ўрта ва майда.

II синф - жуда йирик (майдалангандан чиқсан қум, отсев), йириклиги оширилган, йирик, ўрта, майда, жуда майда, юпқа ва жуда юпқа.

Кумларнинг гурухи йириклик модули билан характерланади ва 1.6-жадвал бўйча аниқланади.

#### 1.6-жадвал

Кумлар гурухи	Йириклик модули Мк
жуда йирик	3,5 дан юқори
йириклиги оширилган	3,0 дан 3,5 гача
йирик	2,5 дан 3,0 гача
ўрта	2,0 дан 2,5 гача
майда	1,5 дан 2,0 гача
жуда майда	1,0 дан 1,5 гача
юпқа	0,7 дан 1,0 гача
жуда юпқа	0,7 гача

№0,63 элакдаги қумнинг тўлиқ қолдиги 1.7-жадвалга мос келиши керак.

### 1.7-жадва

Кумлар гурухи	№0,63 элакдаги тўла қолдик, %
жуда йирик	75 дан юқори
йириклиги оширилган	65 дан 75 гача
йирик	45 дан 65 гача
ўрта	30 дан 45 гача
майда	10 дан 30 гача
жуда майда	10 гача
юпқа	меъёрланмайди
жуда юпқа	меъёрланмайди

Элакларда 5 ва 10 мм дан юқори ва 0,16 мм дан кичик йириклик доналари миқдори 1.8-жадвалга мос бўлиши керак.

Оғирлигига нисбатан фоизда, камидা

### 1.8-жадвал

Кумнинг синфи ва гурухи	Йириклик доналарининг миқдори		
	10 мм дан юқори	5 мм дан юқори	0,16 мм дан кичик
I-синф			
Йириклиги оширилган, йирик ва ўрта	0,5	5	5
Майда	0,5	5	10
II-синф			
Жуда йирик ва йириклиги оширилган	5	20	10
Йирик ва ўрта	5	15	15
Майда ва жуда майда	0,5	10	20
Юпқа ва жуда юпқа	чиқарилмайди		меъёрланмайди

Кум таркибидаги чанг ва лой миқдори, ҳамда кесаклардаги лой миқдори 1.9-жадвал күрсатылғанлардан ошиб кетмаслиги керак.

Оғирлигига нисбатан фоизда, кўпи билан

1.9-жадвал

Қумнинг синфи ва гурухи	Таркибидаги чанг ва лой миқдори		Кесаклардаги лой миқдори	
	Табиий кумда	Майдалагичдан чиққан кум(отсев)	Табиий кумда	Майдалагичдан чиққан кум(отсев)
I-синф				
Жуда йирик	-	3	-	0,35
Йириклиги оширилган, йирик ва ўрта	2	3	0,25	0,35
Майда	3	5	0,35	0,50
II-синф				
Жуда йирик	-	10	-	2
Йириклиги оширилган, йирик ва ўрта	3	10	0,5	2
Майда ва жуда майда	5	10	0,5	2
Юпқа ва жуда юпқа	10	меъёр-майди	1,0	0,1

## Автомобиль йўлларида ишлатилаётган асфальт қоришмалар ва уларга бўлган талаблар

Автомобил йўллари Республика иқтисодиётининг асосий қон томирлари ҳисобланади. Ҳеч бир тармоқ автомобил йўлларисиз ўз фаолиятини давом эттира олмайди. Биз учун бугунги кунда асосий устивор масалалардан бири бу дунё бозорларига олиб чиқадиган, мамлакатимизни хорижий ривожланган мамлакатлар билан боғлайдиган транспорт коридорларини барпо этишдир. Республикамизда замонавий автомобил йўлларини тармоғини ривожлантириш ва уларда ҳаракатнинг қўлайлигини таъминлаш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Автомобил йўллари қанчалик равон ва текис бўлса, ундаги ҳаракат тезлиги юқори бўлса ва юқ ташиш тан нархи шунчалик паст бўлса ва шундагина юқ ва йўловчиларни манзилига тез ва соз етказишимиз мумкин. Бунинг учун авваломбор, автомобил йўлининг техник даражасини ва фойдаланув ҳолатини яхшилашимиз ва йўлнинг транспорт-фойдаланиш сифатларини оширишимиз талаб этилади. Бу биздан, автомобил йўлларидан фойдаланиш фанидан олган билимларимизни чуқурлаштириш ва амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш лозимлигини кўрсатади.

Кейинги йилларда асосий эътибор автомобил йўлларидан фойдаланиш масаласига ва уни такомиллаштиришга қаратилмоқда. Мавжуд шароитдан келиб чиқиб, автомобил йўллари ҳолатини талаб даражасида бўлишлигини таъминлаш ва йўлнинг транспорт-фойдаланиш сифатларини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда Республикамизда кўплаб асфальтобетон заводлари фаолият кўрсатмоқда ва бу заводларда куп хажимда асфальтобетон коришмалари тайёрланмоқда. Маълумки, автомобил йўлларини транспорт – фойдаланиш сифатлари, ишлаш муддати, мустаҳкамлиги, қопламаларни куришда ишлатиладиган асфальтобетонларнинг физик–механик кўрсатгичларига ва уларнинг таъмирлаш усувларига боғлиқ бўлади.

Асфальтбетон қориши – маъдан материалларнинг ( чақилган тош (шағал) ва қумнинг маъдан кукун билан ёки усиз ) қатрон билан муайян нисбатларда мақбул танланган ҳамда иссиқ ҳолатда аралаштирилган қориши.

Автомобил йўлларида ишлатилаётган асфальтбетон қоришмаларнинг турлари, хиллари, маркалари ва уларга бўлган талаблар ГОСТ 9128-2009 “Смеси асфальтобетонные, полимерасфальтобетон, асфальтобетон, полимерасфальтобетон для автомобильных дорог и аэродромов” Т.У. бўйича, синаш усуслари эса ГОСТ 12801-98 “Смеси асфальтобетонные дорожные и аэродромные, дегтебетонные дорожные, асфальтобетон и дегтебетон” Методы испытаний бўйича аниқланади.

Асфальтобетон қоришмаларни ва асфальтобетонларни маъдан ташкил қилувчиларнинг турига боғлиқ равища чақилган тошли, шағалли ва қумли турларга ажратилади.

Фойдаланилаётган битумнинг қовушқоқлигига ва ҳароратига боғлиқ равища қоришмаларни ётқизишида қуйидаги турларга ажратилади:

иссиқ – қовушқоқ ва суюқ йўл нефт битумларидан фойдаланган ҳолда тайёрланувчи ҳамда камида  $110^0$  С ҳароратда ётқизилувчи;

совуқ – суюқ йўл нефт битумларидан фойдаланган ҳолда тайёрланувчи ҳамда камида  $5^0$  С ҳароратда ётқизилувчи.

Иссиқ қоришмаларни ва асфальтбетонларни, маъдан доналарининг энг катта ўлчамларига боғлиқ равища қуйидаги турларга бўлинади:

доналар ўлчамлари 40 мм гача бўлган – йирик донадорли;

доналар ўлчамлари 20 мм гача бўлган – майда донадорли;

доналар ўлчамлари 5 мм гача бўлган – қумли.

Совуқ қоришмаларни майдадонадор ва қумлига ажратилади.

Иссиқ қоришмалардан тайёрланган асфальтобетонларни қолдиқ ғовакдорлиги катталигига боғлиқ равища қуйидаги турларга бўлинади:

қолдиқ ғовакдорлиги 1,0 дан 2,5 % гача бўлган – юқори зичликли;

қолдиқ ғовакдорлиги 2,5 дан 5,0 % гача бўлган - зич;

қолдиқ ғовакдорлиги 5,0 дан 10,0 % гача бўлган - ғовакдор;

қолдиқ ғовакдорлиги 10,0 дан юқори бўлган – юқори ғовакдор.

Совуқ қоришмалардан тайёрланган асфальтобетонлар 6,0 дан 10,0 % гача қолдиқ ғовакдорликка эга бўлишлари лозим.

Чақилган тошли ва шағалли иссиқ қоришмалар ва зич асфальтобетонларни улар таркибидаги чақилган тош ва шағал миқдорига боғлиқ равища қўйидаги турларга бўлинади:

А – чақилган тош миқдори 50 % дан 60 % гача;

Б – чақилган тош миқдори 40 % дан 50 % гача;

В – чақилган тош миқдори 30 % дан 40 % гача.

Чақилган тошли ва шағалли совуқ қоришмалар ва уларга мос асфальтобетонлар улар таркибидаги чақилган тош ва шағал миқдорига боғлиқ равища  $B_x$  ва  $B_x$  турларга ажратилади.

Иссиқ ва совуқ кумли қоришмалар ва уларга тегишли асфальтобетонлар қумнинг хилига боғлиқ равища қўйидаги турларга ажратилади:

$\Gamma$  ва  $\Gamma_x$  – кукунлашдан эланган қумларда, шунингдек уларнинг табиий кум билан аралашмаларида, миқдори масса жиҳатидан 30 % дан ошиқ эмас;

$D$  ва  $D_x$  – табиий қумларда ёки табиий қумларнинг кукунланганларидан эланганида, миқдори масса жиҳатидан 70 % дан кам бўлганда.

Физик-механик хоссаларига ва фойдаланиладиган материалларига қараб, қоришмалар ва асфальтобетонлар 1.10-жадвалда кўрсатилган тамғаларга бўлинади.

#### 1.10-жадвал

Қоришмалар ва асфальтобетонлар турлари ва хиллари	Тамғалари
Иссиқ : - юқоризичкли - зич турлари:  A	I  I , II

## 1.10-жадвалнинг давоми

Қоришишмалар ва асфальтобетонлар турлари ва хиллари	Тамғалари
Б, Г	I , II , III
В, Д	II , III
- ғовакдор	I , II
- юқориғовакдор чақиқтошли	I
- юқориғовакдор қумли	II
Совуқ :	
- турлари:	
Б <sub>x</sub> , В <sub>x</sub>	I , II
Г <sub>x</sub>	I , II
Д <sub>x</sub>	II
- юқориғовакдор чақиқтошли	I

Иссиқ қоришишмалардан тайёрланган юқори зичликли ва зич асфальтобетонларнинг сувга тўйиниши 1.11-жадвалда кўрсатилгандарга мос бўлиши лозим.

## 1.11-жадвал

Асфальтобетонларнинг тури ва хили	Сувга тўйиниши	
	Қоришишмалардан тайёрланган намуналар	Тайёр қопламанинг кесиклари ва кернлари кўпи билан
юқоризичликли	1,0 (0,5) дан 2,5 гача	3,0
Зич турлари учун:		
А	2,0 (1,5) дан 5,0 гача	5,0
Б, В ва Г	1,5 (1,0) дан 4,0 гача	4,5
Д	1,0 (0,5) дан 4,0 гача	4,0

Иссиқ қоришишмалардан тайёрланган асфальтобетонларнинг маъдан қисми ғовакдорлиги, % да қўйидагилардан ортиқ бўлмаслиги лозим:

- юқори зич, кўпи билан ..... 16;

- зич турлари

А ва Б .....	14 дан 19 гача;
В, Г ва Д ,кўпи билан.....	22;
- ғовакдор, кўпи билан .....	23;
- юқори ғовакдор чақиқтошли, камида .....	19;
- юқори ғовакдор қумли, кўпи билан .....	22.

Иссиқ қоришмалардан тайёрланган ғовак ва юқориговак асфальтобетонларнинг физик-механик хоссалари кўрсаткичлари 1.12-жадвалда кўрсатилганларга мос бўлиши лозим.

#### 1.12-жадвал

Кўрсаткичлар номи	Тамғалар учун қиймат	
	I	II
50 <sup>0</sup> С ҳароратда сиқилишга мустаҳкамлик чегараси, МПа, камида	0,7	0,5
Сувга бардошлилиги, камида	0,7	0,6
Узоқ муддатли сувга тўйинтиришда сувга бардошлилиги, камида	0,6	0,5
Ҳажим бўйича сувга тўйиниши, %: - ғовак асфальтобетонлар	4,0 дан 10 гача	4,0 дан 10 гача
юқориговакли асфальтобетонлар	10,0дан 18,0гача	10,0дан 18,0гача

Иссиқ ва совуқ қоришмаларнинг истеъмолчига ва омборхонага жўнатиш пайтидаги ҳарорати битумларнинг кўрсаткичларига боғлиқ равишда 1.13-жадвалда кўрсатилганларга мос бўлиши лозим.

1.13-жадвал

Қоришка тури	Битум күрсаткичларига боғлиқ равища қоришка ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$ да						
	$25^{\circ}\text{C}$ да йўғонлиги 0,1 мм бўлган инганинг кириш чуқурлиги					$60^{\circ}\text{C}$ да тешиги 5 мм бўлган вискозиметр бўйича шартли қовушқоқлик	
	46-60	61-90	91-130	131- 200	201- 300	70-130	131-200
Иссик	150 дан	145 дан	140 дан	130 дан	120 дан	-	$110$ дан
	160 гача	155 гача	150 гача	140 гача	130 гача	-	120 гача
Совук						80 дан 100 гача	100 дан 120 гача

Қоришиналар биржинсли бўлиши лозим. Иссик қоришманинг бир жинслигини  $50^{\circ}\text{C}$  ҳароратда сиқилишга мустаҳкамлик чегарали вариация коэффиценти бўйича, совук қоришиналарни сувга тўйиниш вариацияси коэффиценти бўйича баҳоланади. Вариацияси коэффицентини 1.14-жадвалда кўрсатилганларга мос бўлиши лозим.

1.14-жадвал

Кўрсаткич номи	Қуйидаги тамғали қоришиналар учун вариация коэффиценти қиймати		
	I	II	III
$50^{\circ}\text{C}$ ҳароратда сиқилишга мустаҳкамлик чегараси	0,16	0,18	0,20
Сувгв тўйиниши	0,15	0,15	-

Автомобиль йўлларига ишлатиладиган асфальтобетон қоришималар таркибига кирувчи зич тоғ жинсларидан тайёрланган чақилган тош ва шағал, тошқоллардан тайёрланган шағал ўзининг донадорлиги таркиби, мустахкамлиги, таркибидаги чангсимон ва лойдор зарраларга эга бўлиши, кесак ҳолдаги лойга эга бўлиши жиҳатидан ГОСТ 8267 ва ГОСТ 3344 талабларига жавоб бериши лозим. Чақилган тош ва шағал таркибидаги пластинкасимон шаклдаги зарралар миқдори масса жиҳатидан %, қуидагилардан ортиқ бўлмаслиги лозим:

- 15 – А турдаги қоришималар ва юқоризичликдагилари учун;
- 25 – Б, В<sub>х</sub> турдаги қоришималар учун;
- 35 – В, В<sub>х</sub> турдаги қоришималар учун.

## II. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ

### 2.1 Қурилиш муддатини асослаш ва иш кўламини аниқлаш

Қурилиш муддати табиий об-ҳаво шароитига ва йўл қурилиш техникасининг имкониятига боғлик равишда аниқланади.

Қуриш муддати қуйидаги формула орқали топилади:

$$T_{q.mud} = T_{kal} - (T_{dam} + T_{tash} + T_{iql} + T_{tam})$$

Бу ерда  $T_{kal}$  - календар кунлар сони, (йўл иқлим графиги асосида олинади)  $T_{kal} = 210$  кун

$T_{dam}$  - дам олиш ва байрам кунлар сони  $T_{dam} = 22$  кун

$T_{tam}$  - машина ва ускуналарни таъмирлаш вақтида ишламай турган кунлари ва қурилиш техникаларини ишга туширишни ташлиллаштириш учун кетадиган кунлар  $T_{tam} = (6 - 7)$  кун

$T_{iql}$  - об-ҳавонинг ноқулайлиги туфайли ишланмаган кунлар сони  $T_{iql} = (3 - 4)$  кун

$$T_{q.mud} = 210 - (22 + 6 + 4) * 1 = 178 \text{ кун}$$

Қурилишнинг бошланиши ойи 1 мартга тўғри келади ва ишлаш мумкин бўлган охирги ой 27-октябрга тўғри келар экан. Қисқа қилиб айтганда 1-мартдан 27-октябргacha бўлган давр оралиғида қурилишни ташкил қилиш мумкин.

#### *Минимал иш кўламини аниқлаш*

Минимал иш кўламини аниқлаш қуйидаги формула орқали аниқланади

$$L_{min} = \frac{L}{T_{xis} * n}$$

Бу ерда:  $l$  – йўл узунлиги, м  $l = 13$  км

$T_{xis}$  - календар кунлар сони  $T_{xis} = 178$  кун

$$n - сменалар сони, n=1 \quad l_{min} = \frac{13000}{178 * 1} = 73 \text{ м}$$

**2.2 М-34 "Тошкент-Душанбе" автомобил йўлининг 992-1005 км**

**бўлагини НУҚСОНЛАР ҚАЙДНОМАСИ**

2.1-жадвал

№ T.p	Ишларнинг манзили				Узунлиги, км	Йўл элементларининг мавжуд ҳолати	Лойихада кўзда тутилган иш турлари ва тадбирлар	Иш хажмларини хисоблаш формуласи	Ўлчов бирлиги	Микдори (ҳажм)
	км	пикетаж	дан	гача						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

**Йўл тўшамаси**

1.	992	1005	99200+00	10050+00	13,0	Қоплама юзасида тўлқинсимон силжишлар, кўндаланг ва бўйлама ёриқлар юзага келган. Қопламада чукишлар пайдо бўлган ва кўндаланг нишаблик йўқолган. Жойларда қоплама четлари синиб бошлаган.	Мавжуд асфалтбетон қопламасини фреза услубида 0,05 м қирқиш. Майда донали иссиқ асфалтбетон қоришимасид ан $h=0,06$ м қалинликда қоплама ётқизиш.	Инструментал үлчашлар асосида аниқланади	$m^3$	$m^2$	Хисоб
----	-----	------	----------	----------	------	--	---	--	-------	-------	-------

**Йўл чети**

## 2.1-жадвалнинг давоми

№ Т.р	Ишларнинг манзили					Үзунлиги, км	Йўл элементларининг мавжуд ҳолати	Лойихада кўзда тутилган иш турлари ва тадбирлар	Иш ҳажмларини хисоблаш формуласи	Ўлчов бирлиги	Микдори (ҳажм)
	км	пикетаж	дан	гача	боши						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	
2.	992	1005	99200+00	100500+00	13,0	Йўл чети чуккан қопламадан пастда. Йўл чети мустахкамланмagan қияликлари текисланмаган	Йўл четинии тўлғизиш ва қияликларини текислаш. Йўл четинии 0,06 м қалинликда ҚША билан мустахкамлаш	Инструментал ўлчашлар асосида аниқланади			
3.	992	1005	99320+50, 97560+05	99420+12, 100600+62, 100400+17	60 м	Туташмаларда йўл қопламаси қониқарсиз ҳолатда.	Туташмалар қопламасини 0,06 м қалинликда 10 м масофада асфальтбетон қатлами билан мустахкамлаш.	Инструментал ўлчашлар асосида аниқланади.			

2.1-жадвалнинг давоми

№ T.p	Ишларнинг манзили				Узунлиги, км	Йўл элементларининг мавжуд холати	Лойихада кўзда тутилган иш турлари ва тадбирлар	Иш ҳажмларини хисоблаш формуласи	Ўлчов бирлиги	Микдори (ҳажм)
	км	пикетаж	дан	гача						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
4.	992	1005	99200+00	10050+00	13,0	Йўл белги чизиқлари мавжуд эмас.	Йўл белги чизиқларини қопламага чизиш.  Йўл белгилари.	Инструментал ўлчашлар асосида аниқланади	ПМ дона	Ўлчов бирлиги дона

Автомобиль йўлининг таъмирлаш ишлари ҳажмини аниқлаш

2.2-жадвал

№	Ишлар номланиши	Ўлчов бирл.	Микдори
1	2	3	4
<b>1-Боб. Тайёргарлик ишлари</b>			
1.	Мавжуд асфальтбетон қопламасини (мавжуд кўприкларда ва унга туташувларда) совук фрезалаш услубида 0,05 м қатлам қалинлигига 1000 мм ли фреза барабани кенглигига киркиш.	м <sup>3</sup> /тн	762/1296
2.	Мавжуд асфальтбетон қопламасини бузишдан йигилган фреза материалларини ўртacha 20,0 км масофагача қурилиш ташкилоти базасидаги резервга автосамосвалларда ташиш.	м <sup>3</sup> /тн	762/1296
<b>2-Боб. Йўл тўшамаси</b>			
1.	0,02 л/м <sup>2</sup> нормада битум билан қопламага ишлов бериш	м <sup>2</sup> тн	120250 2405

2.2-жадвалнинг давоми

№	Ишлар номланиши	Үлчов бирл.	Миқдори
1	2	3	4
2.	Йирик донали асфальтобетон билан текисловчи қатлам ётқизиш(ўртача 0,04 м қалинликда)	м <sup>2</sup> тн	120250 10101
3.	0,02 л/м <sup>2</sup> нормада битум билан қопламага ишлов бериш	м <sup>2</sup> тн	120250 2405
4	Майда донали иссиқ зич Б турдаги II маркали а/б қоришимасидан 0,06 м қалинликда (супер асфальтётқизгич билан ётқизиш) қоплама қатламини ётқизиш	м <sup>3</sup> /тн	7215,2 /15873,4
	<b>3-боб. Йўл чети</b>		
1.	Йўл четини 0,06 см қалинликда қум-шагал аралашмаси билан мустахкамлаш.	м <sup>2</sup> /тн	39000/ 4212
	<b>4-боб. Туташмалар</b>		
1.	Майда донали иссиқ зич Б турдаги II маркали а/б қоришимасидан 0,06 м қалинликда қопламанинг емирилган қатламини тиклаш ва ундан олдин 0,2 л/м <sup>2</sup> нормада битум билан қопламага ишлов бериш	м <sup>2</sup> тн	420,0 55,44
	<b>5-боб. Йўлни жихозлаш</b>		
	<b>5.1. Йўл белгиларини ва ишора устунчаларини ўрнатиш</b>		
1.	Йўналтирувчи устунчалар ўрнатиш	дона/пм	40/1000

## **2.3 Автомобиль йўлини таъмирлаш ишлари технологик жараёнларини хисоби**

### **I. Тайёргарлик ишлари**

*1.1. Мавжуд асфальтбетон қопламасини (мавжуд кўприкларда ва унга туташувларда) совуқ фрезалаш услубида 0,06 м қатлам қалинлигидаги 1000 мм ли фреза барабани кенглигидаги қирқиши*

Бажариладиган иш ҳажми - 762/1296 м<sup>3</sup>/тн фреза материал.

Бунинг учун ДС-197 йўл фрезасини танлаб оламиз. Йўл фрезаси иш унумдорлигини қўйидаги формуладан аниқлаймиз:

Иш унумдорлиги

$$\Pi_{\phi p} = V_p * b * K_{cl} * K_B * K_T, \text{м}^2/\text{соат}$$

Бунда  $V_p = 600$  м/соат фреза ишчи тезлиги;  $b=1,0$  м фрезалаш кенглиги;  $K_{cl} = 0,95$  иш унумдорликнинг пасайишини ҳисобга олувчи коэффициент;  $K_B = 0,75$  сменада вақтдан фойдаланиш коэффициенти;  $K_T = 0,70$  техник иш унумдорликдан эксплуатацион иш унумдорликга ўтиш коэффициенти.

$$\begin{aligned} \Pi_{\phi p} &= V_p * b * K_{cl} * K_B * K_T = 600 * 1,0 * 0,95 * 0,75 * 0,70 = 299,25 \\ &\text{м}^2/\text{соат} * 8,0 \text{ соат} = 2394 \text{ м}^2/\text{смена} \end{aligned}$$

Иш юритувчи механизм сифатида  $n=1$  дона фрезани белгилаб оламиз.

Унда иш сменалари сонини қўйидагича аниқлаймиз:

$$N = V_{ym} / \Pi_{\phi p} = 762 / 2394 = 0,32 \approx 1 \text{ смена}$$

Фойдаланиш коэффициенти:

$$K_{\phi} = 0,32 / 1 = 0,32$$

*1.2. Мавжуд асфальтбетон қопламасини бузишдан ииғилган фреза материалларни ўртача 20,0 км масофагача қурилиши ташкилоти базасидаги резервга автосамосвалларда ташиши*

Бажриладиган иш ҳажми - 762/1296 м<sup>3</sup>/тн

Бунинг учун MAN L2000 автосамосвалини танлаймиз.

Автосамосвал иш унумдорлигини қўйидаги формуладан аниқлаймиз

$$\Pi_{a/c} = \frac{q_{a/c}}{\rho(\frac{2L}{V} + t_n + t_p)} * K_e * K_m$$

Бунда:  $q_{a/c}=25$  т автосамосвалнинг юк кўтара олиш қобилияти;  
 $\rho=1,8$  т/м<sup>3</sup> асфальтобетон зичлиги;  
 $L=20$  км, асфальтобетонни ўртача ташиш масофаси, км  
 $V=50$  км/с, ҳаракатланиш тезлиги;  
 $t_n=0,22$  с, асфальтобетонни автосамосвалга юклашга кетган вақт, соат  
 $t_p=0,05$  с асфальтобетонни тўкишга кетган вақт, соат  
 $K_m=0,75$ ,  
 $K_b=0,70$ .

$$\Pi_{a/c} = \frac{q_{a/c}}{\rho(\frac{2L}{V} + t_n + t_p)} * K_e * K_m = \frac{25}{1,8 * (\frac{2 * 20}{50} + 0,22 + 0,05)} * 0,75 * 0,70 = 6,8 \text{ тн/смена}$$

Автосамасваллар сони:

$$n=(V_{ym}/N)/\Pi_{ac}=(762 / 1) / 54,4 = 14 \text{ дона}$$

## *II. Йўл тўшишамасини таъмирлаш*

*2.1. Коплама устки юзасига автогудронатор ёрдамида битум билан ишилов берииш*

Бажариладиган иш ҳажми – 2405 тн битум.

Бунинг учун ДС –39Б (Зил базасида) автогудронаторини танлаймиз  
ДС –39Б иш унумдорлиги:

$$\Pi_{ab}=(q_{ab}/(2*L/V+t_h+t_p))*K_b*K_t, \text{ м}^3/\text{соат}$$

Бунда  $q_{ab}=4$  м<sup>3</sup> – цистернани сифими;

$L=20$  км – ташиш масофаси;

$V=45$  км/соат – ташиш тезлиги;

$t_h=0,10$  соат- цистернани тўлдириш вақти;

$t_p$  – битумни сепишда цистернани бўшашига кетган вақт:

$$t_p=q_{ab}/(p*(b-a)*V_p), \text{ соат}$$

$p=0,2$  л/м<sup>2</sup> битум сепиш нормаси;

$b=4$  м, битум сепиш кенглиги;

$a=0,10$  м, тасмани қамраш кенглиги;

$V_p=20$  км/соат – ишчи тезлик;

$$t_p=4/(0,2*(4-0,10)*20 = 0,26 \text{ соат}$$

$K_B=0,75$  сменада вақтдан фойдаланиш коэффициенти;

$K_T=0,70$  техник иш унумдорликдан эксплуатацион иш унумдорликга ўтиш коэффициенти.

$$\Pi_{ab}=(q_{ab}/(2*L/V+t_n+t_p))*K_B*K_T=(4/(2*20/45+0,10+0,26))*0,75*0,70=1,68 \\ m^3/\text{соат} * 8 \text{ соат} = 13,44 m^3/\text{смена}$$

Бир сменадаги иш ҳажми:

$$V_{cm}=V_{ym}/N=2405 \text{ тн / 1} = 2405 \text{ тн /смена}=24,0 m^3/\text{смена}$$

Бир сменадаги автогудронаторлар сони

$$n=V_{cm}/\Pi_{ab}=24,0/13,44=1,8=2 \text{ дона}$$

## 2.2. Асфальтбетон қориши масини автосамосвалларда ташиб келиши

Умумий бажариладиган иш ҳажми – 10101 тн

Бунинг учун MAN L2000 автосамосвалини танлаймиз.

Берилган:

$q_{a/c}=25$  т автосамосвалнинг юк күтара олиш қобилияти;

$\rho=2,2 \text{ т/m}^3$  асфальтбетон зичлиги;

$L=20$  км, асфальтбетонни ўртача ташиш масофаси, км

$V=50$  км/с, ҳаракатланиш тезлиги;

$t_n=0,22$  с, асфальтбетонни автосамосвалга юклашга кетган вақт, соат

$t_p=0,05$  с асфальтбетонни тўкишга кетган вақт, соат

$K_m=0,75$ ,

$K_B=0,70$ .

Автосамосвалнинг иш унумдорлиги қуйидаги формула орқали топилади.

$$\Pi_{a/c}=\frac{q_{a/c}}{\rho(\frac{2L}{V}+t_n+t_p)}*K_e*K_m=\frac{25}{2,2*(\frac{2*20}{50}+0,22+0,05)}*0,75*0,70=5,6 \text{ m}^3/\text{соат}$$

Автосамасваллар сони:

$$n = V_{cm} / \Pi_{ac} = 4810 / 44,8 = 107,4 \approx 108 \text{ дона}$$

*2.3. Йирик донали иссиқ асфальтобетон қоришимасини асфальт ётқизгичда ётқизиш*

Бажариладиган иш ҳажми - 10101 тн асфальтбетон,

Асфальтбетон қоришимасини ётқизиш учун асфальт ётқизгич VOGEL SUPER 2100 ни танлаб оламиз. Асфальт ётқизгич иш унумдорлиги қуидаги формула орқали аниқланади:

